



МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛИК ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

АБДУРАСУЛ ОХУН МАДРАСАСИ ҲАҚИДА

Карлибаев М.А.

*ЎзРФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ
гуманитар фанлар илмий тадқиқот институти
директори, тарих фанлари доктори (DSc)*

Таянч сўзлар: мадраса, Абдурасул охун, Тахтакўпир, Қорақалпоғистон, мерос, ёдгорлик.

Ключевые слова: медресе, Абдурасул ахун, Тахтакўпир, Каракалпакстан, наследие, памятник.

Key words: madrasah, Abdurasul Akhun, Takhtakupir, Karakalpakstan, heritage, monument.

Биз асрлар давомида аждодларимиз томонидан яратилган ва бугун мерос деб аталган оламда яшайпмиз. Биз яратган нарсаларга параллел равишда, биз кўпинча онгли равишда ёки онгсиз равишда бу мерос оламини йўқ қилмоқдамиз. Инсон тараққиёти шундай тез суръатлар билан содир бўлмоқдаки атрофимизни кўршаган оламнинг нафақат кўриниши ўзгармоқда, балки у ҳақидаги инсонларнинг тасаввурлари ҳам ўзгармоқда. Масаланинг ижобий томони шундаки, хилма-хиллик учун, турли муаммоларни муҳокама қилиш учун ҳали фурсат бор. Бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларидан келган одамлар орасидаги мулоқот вақт ва пул масаласидир. Ер юзидаги деярли ҳар қандай нуқтага ташриф буюрувчилар ва томошабинлар киришлари мумкин, шунинг учун маданий мерос объектларига қизиқиш ортиб бормоқда. Бу эрда савол шундаки, бизнинг эътиборимиз қанчалик тўғри тузилган?

Қорақалпоғистон Республикасини ўз ичига олган Ўзбекистон бой тарихий, археологик ва меъморий меросга эга. Мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги алоқалар жадал ривожланиб бораётган бир даврда, туризмнинг ривожланиши билан давлат томонидан ушбу ёдгорликларни консервация ва таъмирлаш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш учун махсус маблағлар ажратилмоқда, чунки улар туризм соҳасида мамлакатнинг асосий

жозибаторлик омилидир. Минглаб обидалар давлат муҳофазасига олинган. Бу жуда муҳим нарса. Ўзининг тарихий қиёфасини сақлаб қолган шаҳарлар (Самарқанд, Бухоро, Хива) ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Ва бу жуда ҳам муҳим. Биринчидан, давлатимиз тарихий-маданий меросини асраб-авайлаш ва тарғиб этишга жиддий эътибор қаратаётир. Иккинчидан, ЮНЕСКО рўйхатига кириш мамлакатни нафақат ёдгорликларимизга эътибор қаратишга, балки ушбу мерос эҳтиёжлари учун маблағ ажратишга ҳам мажбур қилади.

Бир томондан, бу ҳолат ёдгорликларни биз ушбу меросни олган шаклда сақлаб қолишнинг маълум бир кафолатини беради. Бошқа томондан, мазкур объектлар эҳтиёжлари учун маблағ ажратилиши тегишли ташкилотларни уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, консервация ва тиклаш (!) бўйича аниқ чора-тадбирлар кўришга мажбур қилади. Маданий мерос объектларини (маданий мерос ёдгорликларини) муҳофаза қилиш масаласини ҳар бир давлат турлича ҳал қилади. Бу масалада энг муҳими ечими кутилаётган бир қатор муаммоларга олимлар, асосан, жамоатчилик эътиборини қаратишдир.

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида ҳудудни иқтисодий ривожланишнинг баланд чўққиларига чиқариш учун куч солаётган бир даврда тарихий меросимизга эътиборимизни суэт қилмаслигимиз зарур. Бундай фикр айтишимизнинг боиси Ўзбекистонда туризм соҳаси яхши ривожланган Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятларидаги каби ривожлантиришга қилаётган ҳадди ҳаракатларимиз. Айтилган ҳудудларда юқори савияга эришишнинг асосий сабаби айнан мазкур ҳудудларда сақланаётган тарихий-маданий меросга деган эътиборда. Айнан ушбу мерос – яъни ёдгорликлар асосий жозибалик омили сифатида хизмат қилмоқда.

Қорақалпоғистонда турли давр ёдгорликлари мавжуд: ҳарбий-мудофаа иншоотлари (қалъалар (қалъа)), уй-жойлар (якка тартибдаги уй-жойлар ёки мажмуалар), диний бинолар (масжидлар, мадрасалар ва мазорлар) ва ҳ. Қорақалпоғистоннинг антик ва ўрта асрларга оид деярли барча археологик ва меъморий ёдгорликлари вайрона ҳолатда сақланган. Қайта тиклаш масалалари ҳам, вайрон бўлган ёдгорликларни консервациялаш масалалари ҳам ўз-ўзидан мураккаб, қийин ва масъулиятли ва шу билан бир қаторда ҳал қилиниши зарур масалалардир.

Баъзи мутахассислар меъморий ёдгорлик харобаларини жиддий консервация қилиш қисман реставрация қилиш билан бирга бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди [3, 5] - йўқолган муҳим қисмини мустаҳкамлаш, тиклаш (агар аниқ ғоя мавжуд бўлса), уни зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш



чораларини кўриш, намлик, шамол, қуёш ва zilzilalar, ер ости сувлари, инсон фаолияти ва бошқалар таъсиридан сақлаш асосий қилинадиган ишлар сирасига киради.

Агар қадимий бинолар ва кўплаб ўрта асрлардаги бинолар хом ғиштдан (лой ғишт ёки пахса) қурилган бўлса, айрим ноёб ёдгорликлар гина пишган ғиштдан қурилган. Қорақалпоғистонда кулфтош, қўйтош каби қабр тошларини ҳисобга олмаганда тош иморатлар йўқ мавжуд эмас.

Вайроналарда, уларнинг сақланиши ҳолатидан қатъий назар, бу ёдгорликларнинг ҳар бирида ўтмишимиз ҳақида тарихий маълумотлар мавжуд. Айнан мана шундай сақланиш ҳолати (сўнгги маданий қатламларнинг йўқлиги), қанчалик парадоксал кўринмасин, Қорақалпоғистон ёдгорликларининг ўзига хослигидир. Бу ерда уларнинг ҳақиқийлиги яъни аутентик кўриниши мавжуд. Инсон фаолияти ва қизиқиши ушбу ёдгорликларга эътибор қаратилмагунча, улар юзлаб, ҳатто минг йиллар давомида ўз-ўзидан «яшаб» келган.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида кўплаб меъморий ёдгорликлар сақланган. Улардан ўрта асрга оид ёдгорликлар пишиқ ғиштдан қурилган монументал иншоотлар бўлиб, мустаҳкамроқ бўлса, сўнгги ўрта аср ва ундан кейинги давр меъморий ёдгорликлари (XX асрнинг 2-ярмигача) асосан пахса ёки хом ғиштдан қурилган бинолардир. Бундан ташқари, вақт ўтиши билан ғишт стандартлари ўзгарган.

Деярли барча меъморий ёдгорликлар маълум бир ўзига хосликларини инобатга олмаганда асосан бир хил. Шундай ёдгорликлардан Қорақалпоғистон ҳудудида сўнгги ўрта асрларга оид, айниқса XIX-XX аср

дастлабки чорагига оид бир нечта эски мадрасалар бинолари сақланиб қолган.

Ўзбекистон, шунингдек қўшни давлатлар тарихида мадрасаларнинг тутган ўрни, меъморий хусусиятлари тўғрисида анча илмий ва илмий-оммабоп ишлар мавжуд. Қорақалпоғистондаги мадрасалар ҳақида мақола муаллифи томонидан чоп этган асарлар ва айрим бошқа адабиётлар чиққан ва юзга яқин мадрасаларнинг бўлганлиги аниқланган. Собиқ иттифоқ давридаги тарихчилар асарларида Қорақалпоғистонда XX аср бошларида атиги 2 та мадраса бўлган делинган. Табиийки уларнинг меъморий тавсифлари берилмаган, шу боис архитектура ўтмиши ҳақида асосан ўз дала тадқиқотларимизга суянамыз.

Мадрасалар одатда тўртбурчак иморат шаклида қурилган бўлиб, унинг марказида ҳовли бўлиб, унинг атрофида хужралар, дарсхона, мударрис, масжид имоми “ишхона”лари ва бошқа бинолар ўрин олган. Бинонинг жанубий томонида беш вақт намоз ўқиш учун мўлжалланган меҳрабли (меҳрабхона) масжид вазифасини ўтайдиган хона бўлган. Олимларнинг таъкидлашича, мадраса кўпинча жоме масжиди бўлиб ҳам хизмат қилган, чунки "мадрасадаги масжид одатда кенг ҳовлининг охирида жойлашган бўлиб, кўп одамларни сиғдира олган".

Мадрасаларнинг аксарияти шаҳарлар ёки йирик қишлоқлар марказларида жойлашган бўлиб, улар ҳудуддаги савдо марказлари бўлган, деярли ҳар доим савдо нуқталарига яқин жойлашган.

Яқин ўтмишимизда юз берган мафкуравий кураш мобайнида кўплаб тарихий-меъморий, маданий меросларимиз ушбу «кураш» қурбонига айналди, йўқ қилинди. Албатта ҳаммаси ҳам эмас. Биринчи навбатта диний мазмунга эга тарихий ёдгорликлар нафақат эътибордан четда қолди, балки махсус равишда мафкуравий «сиқимга» учради. Аввалги, совет давригача таълим марказлари бўлиб хизмат қилиб келган мадрасалар бузилди, бузилмаганлари эса уй ҳайвонларини сақлайдиган жойларга, энг камида турар жойларга айлантирилди.

Бахтимизга уларнинг айримлари ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Яқинда шулардан Чимбой шаҳрига яқин Айимбет (Ай Муҳаммад) эшон мадрасаси республикамиз тарихий-меъморий ёдгорликлар рўйхатига киритиш бўйича ишлар бошланди. Бу каби ёдгорликлар республика бўйлаб унлаб сақланган. Совет ҳукумати ўрнашдан олдинги йиллари юзга яқин мадрасалар бўлган бўлса, улардан айримларининг деворлари ўтмиш маданияти тарихидан гувоҳ бериб турмоқда. Улар ҳам аслида тарихий ва маданий аҳамиятга молик ёдгорликлар сирасига киради. Биз сўз қилмоқ-



чи бўлган тарихий-меъморий ёдгорлик XX аср бошида, совет даври бошланаётган бир вақтда куриб битилган. Абдурасул охун мадрасаси республикамизнинг энг шимолий ҳудудларидан саналган Тахтақўпир тумани Даўқара хўжалиги ҳудудида жойлашган. Абдурасул охун сулола занжирини Хўжа Аҳмад Яссавий даврига, устози пир Арслан бобдан бошланган уламолар авлодидан саналади. Арслан боб авлодлари, яъний Чимбойлик Ай Муҳаммад (Аймбет) эшон ва унинг аждод-авлодлари ҳақида аввал маълумот бериб ўтган эдик. Абдурасул охуннинг бугунги авлодларида сақланган шажара бўйича Жарекей шайх, унинг ўғли Досум шайх, унинг ўғли Майлибай шайх, унинг ўғли Утаули шайх, унинг ўғли Берди Муҳаммад шайх, унинг ўғли Жар Муҳаммад шайх, унинг ўғли Абду Расул шайх, унинг ўғли Жамал шайх, унинг ўғли Кеўлимжай ҳазрат, унинг ўғли Нурулло маҳсум, унинг ўғли Нусратулло. Абдурасул охундан Арслан бобгача 18 авлод мавжуд. Кўриб турганимиздек – асрлар давомида занжирма занжир халққа илм ўргатиб келган уламолар авлоди саналади.

Мадрасада XX аср 20-йилларгача маҳаллий ёшларга таълим берилган. 1928 йили барча жойларда дин вакилларига нисбатан қувғин – репрессия кучайиб, мадраса ёпилади, унда ишлаган уламолар эса қувғинга учраган, бошқа ерларга кучириб юборилган.

Мадрасада республика тарихида из қолдирган шахслар, «янги замон»да халққа хизмат кўрсатган кўплаб инсонлар таълим олган. Шулардан шоир Қосим Давлетияр айнан ушбу мадрасада ўқиб, билим олган. Кичгина ёшдагилар мактаб саводини олса, катта ёшдагилар Абдурасул охун раҳбарлигида дарс олган. Улар маҳсус ҳужраларда йиллаб ётиб ўқиган. Умумий ҳисоб билан йўзга яқин талаба Абдурасул ахуннинг қўлида ўқиган. Шулардан, Зулфиқар Баҳаватдинов, Сейдулла Зарлиқов, Қасым Давлетияр, Убайдулла Есекеев, Айман Абдикерим ва б. Улар сўнги даврларда жамиятга фойдаси тегкан, масъулиятли лавозимларда хизмат қилган: З.Бауатдинов овулсовет, Қасым Давлетияр РайСУ бўлиб ишлаган, С.Зарлиқов дукончи, Иккинчи Жаҳон уруш йиллари эса омборчи бўлиб фаолият кўрсатган, Айман Абдиқарим – бошлик, дукончи бўлган, Нукус шаҳрида ишлаган...

Мадрасада шунингдек, Ўтамбет, Қаллибек домлалар ҳам дарс берган.

Бугунги кунгача сақланиб қолган мадрасанинг деворларининг баландлиги тахминан 3 метргача бўлиб, айрим деворлар кулаб тушган. Мадрасанинг шифти ҳам қулаган. Шимолий-шарқий томонда жойлашган 3x4 м ўлчамдаги талабалар ҳужралари, дарсхана, домлалар ҳужралари, масжид хоналари деворлари сақланган. Мадраса деворлари, ҳудуддаги

бошқа аксарият мадрасалар каби, пахса-девордан ва хом ғиштдан ўрилган. Мадраса биноси таҳминан ташқи томондан 14-17 метрни ташкил этиб, жанубий-ғарбий томонда меҳрабхона, яъни масжили бўлган.

Мадраса биноси 1935-36 йилларда совет ҳукумати ўрнагандан сўнг мактаб сифатида ишлатилган, 1950 йиллардан сўнг эса оила яшаган турар жой бўлиб хизмат қилган.

Умуман олганда, ўтган даврда боболаримиз қўллари билан қад кўтарган бино-иншоотлар ўтмиш тарихдан сўз кўзғайди, ўтмишимиз маданиятидан гувоҳлик бериб туради. Шундай экан, уларни асраб, авайлашимиз керак.

Умуман олганда, Қорақалпоғистон меъморий ёдгорликлари, айниқса, диний хусусиятга эга бўлган меъморий обидаларнинг сақланиб қолишига турли омиллар таъсир кўрсатганига қарамай, ўзининг минтақавий хусусиятларини, ўзига хослигини, ўз даврининг маданияти тарихини акс этиб қолган.

Шу билан бирга, тарихий ва маданий кўчмас ёдгорликлар нафақат моддий, балки маънавий маданий қадриятларни ҳам ўз ичига олган инсоният учун маданият ёки маданий муҳит элементларидан бири ҳисобланади. Ва табиийки, агар биз барқарор ривожланишнинг ягона концепцияси ҳақида гапирадиган бўлсак, унда маданий компонент ҳам унинг тизимида ўз ўрнини топиши керак. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳақида гапирганда, маданиятдан оқилона фойдаланиш ҳақида ҳам гапириш керак. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида сўнги даврларга оид (XVIII-XIX асрлар) тарихий меморий ёдгорликлар кўплаб учрашади. Уларнинг аксарияти рўйхати олинмаган. Ваҳоланки бугунги кунда уларни асраб авайлаш ва туризм соҳасида оқилона фойдаланиш давр талабидир.

Хулоса ўрнига: Албатта, бугунги кунда маданий меросларимиз нафақат илмий изланишларга, балки сақлаш ва фойдаланишга ҳам муҳтож. Бунинг учун қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни давлат томонидан муҳофаза қилинадиган объектлар рўйхатига киритиш бўйича қатор чора-тадбирлар кўриш талаб қилинади:

1. Ёдгорликларни “диққатга сазовор жойлар” тоифасидан меъморий ёдгорликлар сирасига қайта таснифлаш керак.
2. Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир туманидаги Абдурасул охун ва шу каби унлаб бошқа мадрасалар бинолари муҳофаза этиладиган маданий мерос ёдгорликлари рўйхатига киритилиши зарур.
3. Қорақалпоғистонда давлат томонидан муҳофаза қилинадиган объектлар рўйхати таҳрирланган номлар билан бир нечта тилларда (давлат ва



халқаро) тўғри имло берилиб қайта тасдиқланиши лозим. Ҳозирги вақтда мавжуд рўйхатдаги ёдгорликларнинг категорияли ёндашув ҳам, уларни таснифлашда қўйиладиган талаблар ҳам ноаниқлигича қолган.

Адабиётлар:

1. Барановский П.Д. О методах консервации и реставрации руин архитектурных памятников по работам кавказских экспедиций ИИИ АН СССР. 1946-1947 гг. (Москва, 1949)
2. Карлибаев М. К истории ислама у каракалпаков: исторические, социальные, этнические и генеалогические аспекты. Нукус: Илим. – 274 с. с илл.
3. Карлибаев М. Медресе Каракалпакии в XIX- начале XX вв. Нукус: Билим. 2002 – 84 с.;
4. Карлибаев М. О двух иршадах – нисбатномаи Хваджагон Накшбандия // «Вестник» МИЦАИ. 2018, №27. Сс.61-79;
5. Конвенции об охране всемирного культурного и природного наследия: [http:// www.un.org/russian/document/convents/cultural_heritage.pdf](http://www.un.org/russian/document/convents/cultural_heritage.pdf)
6. Карлибаев М. 1994 йил №№ 6, 13 дала ёзувлари. Информатор Ш.Арзуов, 1910 й.т. Тахтақўпир тумани, «8-март» кишлоқ хўжалиги «Қорамўйин» овули, Қорақалпоғистон.
7. Мирбабаев А. История Мадраса Таджикистана. Душанбе: Мерос, 1994. – 71 с.
8. Рекомендации об охране природного и культурного наследия в национальном плане: [http:// unesdoc.unesco.org/images/0011/001140/114044rb.pdf](http://unesdoc.unesco.org/images/0011/001140/114044rb.pdf)
9. Уразбаева У. Тас медресе // Вестник ККФАНУзССР. 1985. № 2. Сс. 80-82;
10. Урумбаев Ж. Очерки истории школы в Каракалпакстане (1810-1967 гг.). Нукус, 1974. – 583 с.;
11. Шалекенов У.Х. Очерки по истории культуры Советской Каракалпакии (1917-1940 гг.). Нукус. 1960.

РЕЗЮМЕ

Қорақалпоғистон ҳудудида ўнлаб меъморий ёдгорликлар сақланган ва уларнинг аксарияти XIX-XX аср бошларига оид. Улар бугунги кунда аждоқларимиз қолдирган моддий меросимизнинг йирик бўлагини ташкил этади. Шулардан Тахтақўпир туманидаги Абдурасул охун мадрасаси ёш авлодга таълим маркази сифатида хизмат қилган. Меъморий ёдгорликларимизни давлат муҳофаза-сига олиб, ички туризм соҳасида фойдаланиш тавсия этилади.

РЕЗЮМЕ

На территории Каракалпакстана сохранились десятки памятников архитектуры, большинство из них относятся к XIX-нач.XX вв. Они составляют значительную часть нашего материального наследия предков. Среди них медресе Абдурасул Ахун в Тахтакопирском районе служило образовательным центром для молодого поколения. Рекомендуется взять памятники архитектуры под государственную охрану и использовать их в сфере внутреннего туризма.

SUMMARY

Dozens of architectural monuments are preserved in Karakalpakstan. They belong to the 19th-early 20th cc. They are large part of our heritage. The Abdurasul Akhun madrasah in Takhtakopir district served as educational center. We recommended to take the architectural monuments under state protection and use in the field of tourism.